

Аллоҳ кўзни номаҳрамдан тийишга буюрди



14:00 / 06.07.2022 3290

Аллоҳ кўзни номаҳрамдан тийишга буюрди. Бу амрни мўмин ва мўминаларга баробар йўллади.

Кейинроқ қарашни батамом тақиқлаганлар келишди.

Энди аёл кўриши ё кўриниши жоиз эмас. Буни амалга ошириш учун у уйга абадий ҳибс қилинди.

Мана шу ғулувдан аёлнинг инсонийлиги ўлдирилди. Унинг диний ва дунёвий ҳуқуқлари топталди.

Сўнг бу эгриликни Оврупа ва Америка одатларини бизга кўчириш билан муолажа қилмоқчи бўлишди. Яъни, дардни худди шундай дард билан алиштиришди.

Бир пайтлар Абу Абдуллоҳ Бухорийдек қадри баланд муҳаддис Саҳиҳ Суннатларга боқди, мулоҳаза қилди. Сўнг ҳеч қандай истиҳола ва қўрқисиз бугун айрим одамлар инкор қиладиган аҳкомларни ишлаб чиқди.

Масалан «Касаллар китоби»да муҳаддислар имоми «Аёлларнинг хаста эркалар ҳолидан хабар олиш боби. Умму Дардо ансорлардан бир масжид аҳли бўлган эркак ҳолидан хабар олди» дея бобни номлади.

Агар диндорлик ўзгариб кетган баъзи жойларда аёллар шундай нарсаларни талаб қилиб чиқишса, уриб ўлдирилган бўларди. Чунки улар Бухорийни табаррук учун ўқишади, фикҳ ва фаҳм учун эмас.

Биз бу зикр қилганларимиз билан бирга аёлнинг фаолияти оиласи ҳисобига бўлиши жоиз эмаслигини таъкидлаймиз. Албатта эр ва фарзанд ҳаққи бошқа ҳуқуқлардан олдин туради.

Француз ва бошқа ўринда инглиз вазираларининг аёлнинг уйдаги вазифаси илк рисолаи эканини, айтганларини ўқигандим. Бу яхши фикр. Чунки «уй бекаси» мансаби жуда улкан мансаб.

У менинг назаримда жуда баланд лаёқатни талаб қилади. Ҳаётни Ислом таълимотлари асосига қуриш илм ва тажрибадан жуда катта насибадорликни талаб қилади.

Шундай экан, турли вазият ва мақсадлар ўртасида ҳамжиҳатликни юзага келтиришчи?!

Бу энди гўзал тафаккур ва нозик тартиботни талаб этади.

Шайх Муҳаммад Ғаззолийнинг «Ислом ҳақида юз савол» китобидан